
ДАНҒАРА ТУМАНИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти Данғара тумани халқ қабулхонасида навбатдаги фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилди.

Туман ҳокими ҳамда туман халқ қабулхонаси мудир иштирокида бўлиб ўтган фуқаролар қабулида, тадбиркорлик учун кредит олиш, газ таъминотини яхшилаш, уй-жойни таъмирлаш ва уй-жой билан таъминлашда кўмаклашиш, 2 ва 14 ёшли бола пули, моддий ва тиббий ёрдам масалалари кўриб чиқилди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-10-06 15:21:16